

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШОКИРОВ МУБИН РУСТАМОВИЧ

ТАРИХИЙ ТАФАККУР МАДАНИЯТИ ВА УНИНГ МИЛЛИЙ
ЎЗЛИКНИ АНГЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

УДК: 130.2/930.85

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Шокиров Мубин Рустамович

Тарихий тафаккур маданияти ва унинг миллий ўзликни
англашдаги аҳамияти 3

Шокиров Мубин Рустамович

Культура исторического мышления и ее значение в понимании
национальной идентичности 23

Shokirov Mubin Rustamovich

The culture of historical thinking and its importance in the understanding
of national identity 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 48

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШОКИРОВ МУБИН РУСТАМОВИЧ

ТАРИХИЙ ТАФАККУР МАДАНИЯТИ ВА УНИНГ МИЛЛИЙ
ЎЗЛИКНИ АНГЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Fal372 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шаринов Абдуҳакимжон Зиёитдинович
фалсафа фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Жўраев Нарзулла Қосимович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Ҳаджиева Мақсуда Султановна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "21" ноябрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (201 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил "8" ноябрь куни тарқатилди.
(2022 йил "8" ноябрь даги 24 рақамли реестр баённомаси.)



Наврўзова Г.Н.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Музаффаров Ф.Д.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Намозов Б.Б.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари,
фалсафа фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Жаҳонда глобаллашув жараёнлари кечаётган, ғоявий ва мафкуравий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда миллатларни ўз тарихий меросини асраб-авайлашга, демократик имкониятлардан фойдаланган ҳолда тарихий тафаккурини юксалтиришга ундамоқда. Бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишларни аниқлаш, ёшларни зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишда тарихий онг ва маданиятни ривожлантириб боришга бўлган интилиш тобора кучаймоқда. Шу нуқтаи назардан тарихий тафаккур маданиятининг жамият ҳаётидаги аҳамияти, ёш авлодни тарихий билимлар билан қуроллантиришда унинг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини очиб бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида ижтимоий тараққиёт қонуниятлари, тарихий онг ва маданиятнинг янгиланишлар ва ислоҳотлар самарадорлигини оширишдаги аҳамияти, таълим тизимининг маънавий-ахлоқий ва ғоявий мазмунини кучайтиришга оид фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ёшлар қалби ва онгига юксак маънавият ва инсонпарварлик анъаналарига садоқат туйғусини чуқур сингдириш, мустақкам мафкуравий иммунитет ва танқидий муносабатни шакллантириш тарихий тафаккур маданиятини ривожлантиришни, миллий ўзликни англаш ва қадрлаш туйғуларини қарор топтиришни ҳамда уларнинг инновацион усул ҳамда воситаларини оптималлаштиришни талаб этмоқда. Айниқса, тарихий тафаккур маданиятини шакллантирувчи омиллар, унинг мантиқий асослари ижтимоий онгда тутган ўрнини, ижтимоий ҳаёт соҳаларидаги вазифалари ва унинг ўзликни англашдаги аҳамиятини тадқиқ этиш зарурияти тобора ортиб бормоқда.

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида ёш авлод онгида тарихий онг ва тарихий хотира туйғусини тарбиялаш, ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихини холисона ўрганишнинг илмий асосларини шакллантиришга оид ислоҳотлар амалга оширилмоқда. “Бир ҳақиқатни барчамиз чуқур англаб олишимиз керак: миллий тарихни халқимиз, айниқса, ёшларимизга миллий руҳда етказиш, уларнинг қалбига, шуурига сингдириш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. ... Ўтмишдаги ютуқ ва ғалабалардан куч-қувват олиб, хато ва мағлубиятларидан хулоса ва сабоқ чиқариб яшайдиган халқ ўзининг тараққиёт йўли ва келажагини тўғри белгилай олади. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур”¹. Шу нуқтаи назардан тарихий тафаккурни миллий ўзликни англаш воситаси сифатида тадқиқ этиш, тарихий билим, тарихий хотира, тарихий онгнинг тарихий ҳақиқатни очиш жараёнидаги диалектик алоқадорлигини аниқлаш муҳим аҳамият эга бўлиб бормоқда.

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. – Б.288.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3105-сон “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”, 2020 йил 9 сентябрдаги “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 сентябрдаги 736-сон “Таълим тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда миллий тарихимизни тиклаш, ёш авлодни тарихий билимлар билан қуроллантириш борасидаги ислоҳотлар, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий ғурур туйғусини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилган тараққиёт стратегияларининг устувор йўналишларидан биридир. Ёш авлод маънавий-ахлоқий тарбиясига доир концептуал ғоялар, тарихимизни ўрганиш ва ўргатиш, бебаҳо тарихий меросимизни тадқиқ этиш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, маъруза ва нутқлар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди².

Жаҳонда тарихий тафаккурнинг ижтимоий ҳаётни тартибга солувчи кучи, хусусан, тарихий онг ва тарихий маданият типлари назарияси Й. Рюзен, тарихий тафаккурнинг миллий маданий мансубликка оид хусусиятлари С. Хантингтон, тарихий тафаккур методологияси Р. Ароннинг тадқиқотларида кенг таҳлил этилади³. Р. Коллингвуд, Л. Фейхтвангер, М. Ферро, М. Хайдеггер, О. Шпенглер ва К. Ясперс тадқиқотлари бу соҳага улкан ҳисса

² Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – 456 б.; Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. – 464 б.;

³ Рюзен Й. Утрачивая последовательность истории (некоторые аспекты исторической науки на перекрестке модернизма, постмодернизма и дискуссии о памяти) // Диалог со временем. Альманах интеллектуальной истории. 2001. Вып. 7. - С. 8–27.; Хантингтон С. Столкновение цивилизаций и преобразование мирового порядка // Новая постиндустриальная волна на Западе: антология. – М., 1999. – С. 537.; Арон Р. Избранное: Измерения исторического сознания. - М.: РОССПЭН, 2004. - 528 с.;

кўшди⁴. Замонавий фалсафий таълимотларда биринчилардан бўлиб И. Кон ва Ю. Левада тарихий онг ва тафаккур тушунчаларига таъриф бердилар ва унинг генезисини очиб берганлар⁵.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги илмий ҳамжамиятида тарихий онг, хотира ва тарих методологиясига оид кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, тарихий онгнинг умумфалсафий методологияси ва моҳияти М. Барг, В. Ельчанинов, Б. Могильницкий, тарихий онг, хотира ва ўзликни англаш алоқадорлиги масалалари А. Панюков, Л. Репина, Н. Смоленский⁶ каби олимларнинг тадқиқотларида батафсил таҳлил этилган.

Ўзбекистон ҳудудида ҳам кўплаб олимлар “тарихий онг”, “тарихий хотира”, “миллий ўзликни англаш” тушунчаларини тадқиқ этишган. Ж. Туленов, С. Отамуратов, М. Бекмуродов, Д. Абдуллажанова каби бир қатор файласуф олимлар ва илмий изланувчиларнинг тадқиқотлари бунга мисол бўла олади. Шу билан бирга, тарих назарияси ва методологиясига доир концепциялар Д. Алимова, тарих фалсафаси ва жамият тараққиётидаги ўрни, тарихий жараёнларни тадқиқ қилишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни илмий жиҳатдан аниқлаш масалалари Н. Жўраев, Қ. Назаров, Ж. Яхшиликков, Н. Муҳаммадиев илмий изланишларида, Б. Тўйчиев, Ҳ. Саломова, М. Хажиевалар тафаккур маданиятининг сиёсий, инновацион, экологик ва тасаввуфий шаклларини илмий тадқиқ этишган. Маънавий тараққиётни таъминлашда тарихий тафаккурнинг ўрни А. Шарипов, ёшлар фаоллигини оширишда тарихнинг роли масаласи З. Қодирова тадқиқотларида ўрганилган⁷.

⁴ Коллингвуд Р. Дж. Идея истории. - М.: Наука, 1980. - С. 5-320.; Фейхтвангер Л. Дом Дездемоны, или Мощь и границы исторической художественной литературы. - М.: Худож. лит., 1990. - С. 543-678.; Ферро М. Как рассказывают историю детям в разных странах мира. - М.: Высш. шк., 1992. - 351 с.; Хайдеггер М. Бытие и время / пер. с нем. В.В. Библихина. - М.: Ad Marginem, 1997. - 452 с.; Шпенглер О. Закат Европы / Авт. вступ. статьи Дубнов А.В. - Новосибирск: ВО "Наука. Сибирская издательская фирма", 1993. - 592 с.; Ясперс К. Истоки истории и ее цель // пер. с нем. - М.: Политиздат, 1991. - С. 28-286.

⁵ Кон И.С. Проблемы истории и истории философии // Методологические и историографические вопросы исторической науки: сб. науч. тр. / Томский гос. ун-т; отв. ред. А.И. Данилов [и др.]. - Вып. 6, - Томск, 1966, - С. 14-56.; Левада Ю.А. Историческое сознание и научный метод / Философские проблемы исторической науки / отв. ред. А.В. Гульга, Ю.А. Левада. - М.: Наука, 1969. - С. 186-224.

⁶ Барг М. Историческое сознание как проблема историографии // Вопросы истории. - 1982. - № 12. - С. 49-66; Ельчанинов В. Историческое сознание: учебное пособие. - Барнаул: Изд-во Алтайского ун-та, 2002. - 111 с.; Могильницкий Б.Г. О природе исторического познания. - Томск: ТомГУ, 1978. - 240 с.; Панюков А.И. Историческое сознание и отечественная социальная философия. - Красноярск: РИО КГПУ, 1999. - 356 с.; Репина Л.П. История исторического знания. Учебное пособие. - Москва: Дрофа, 2004. - 315 с.; Смоленский Н.И. Теория и методология истории. - Москва: Академия, 2008. - 271 с.

⁷ Туленов Ж. Ҳаёт фалсафаси. - Т.: Ўзбекистон, 1993. - 234 б.; Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат. - Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2008. - Б.29; Бекмуродов М. Ўзбек менталитети - Тошкент, 2011. - 966 б.; Абдуллажанова Д. Тарихий онг ва тарихий хотира // Фалсафа ва ҳуқуқ. - Тошкент, 2004. - № 2. - Б.83.; Алимова Д. Ўзликни англаш машаққатлари. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - №30. 2005.; Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. - Т.: “Маънавият” 2008.; Назаров Қ. Ўзбек фалсафаси тарихи (III жилд). - Тошкент: “Муҳаррир”, 2020. - 504 б.; Яхшиликков Ж.Я., Муҳаммадиев Н.Э. Миллий ғоя - тараққиёт стратегияси. Монография. - Тошкент: “Фан”, 2017. - 424 б.; Тўйчиев Б. Политическая культура и демократизация общества. - Тошкент, - 2010. - 282 с.; Саломова Ҳ.Ю. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти. - Бухоро: “Дурдона”, 2018. - 196 б.; Хажиева М. Ўзбекистонда толерантлик жараёни. - Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2008. - 180 б.; Шарипов А.З. Янги Ўзбекистонда маънавий-мафкуравий ислохотлар: ижтимоий-фалсафий таҳлил. Монография. - Бухоро, 2021. - 131 б.; Кадырова З.Р. и др. Проблемы формирования идеологического иммунитета молодежи в процессе развития у неё современного мировоззрения и национальной идентичности. - Ташкент: Национальный университет Узбекистана, 2012. - 202 с.

Тарихий тафаккур маданиятининг миллий ўзликни англашдаги аҳамиятини тадқиқ этиш жараёнида номлари қайд этилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон тарихшунослари, тарихий тафаккур маданияти муаммолари билан шуғулланган тадқиқотчиларнинг илмий изланишларидан унумли фойдаланилди. Тадқиқотда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, ижтимоий онгни ҳосил қиладиган восита бўлган тарихий тафаккур ва унинг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида тутган ўрни, вазифалари ва аҳамияти ҳамда унинг миллий ўзликни англашдаги роли асосида таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-рақамли “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари” (2017-2022 йй) номли тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тарихий тафаккур маданиятининг ижтимоий ҳодисаларни билишдаги роли ҳамда миллий ўзликни англашдаги аҳамиятини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тарихий тафаккур маданияти, унинг келиб чиқиши ва ривожланишининг фалсафий мантиқий асосларини тадқиқ этиш ҳамда тарихий тафаккур маданияти шаклланишида мантиқий қонунлар ва тушунчаларнинг родини асослаш;

тарихий онг тўғрисидаги замонавий ижтимоий фалсафий концепцияларни қиёсий таҳлил этиш;

тарихий онгни ривожлантиришнинг функционал йўналишлари ва ижтимоий механизмларини тадқиқ этиш;

тарихий тафаккур маданиятини шакллантириш омиллари ва воситаларини аниқлаш;

мустақиллик шароитида тарихий тафаккур маданиятидаги янгилашларнинг ўзига хос хусусиятларини, Янги Ўзбекистонда тарихий тафаккур маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий асосларини тадқиқ этиш;

маърифий жамият ва ижтимоий давлат барпо этишда тарихий тафаккур маданиятини ривожлантиришнинг долзарб вазифалари ва уни оптималлаштириш механизмларига таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тарихий онг ва билишга оид замонавий фалсафий концепциялар ҳамда тарихий тафаккур маданиятини шакллантиришнинг қонуниятлари ва ижтимоий-фалсафий омиллари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети тарихий тафаккур маданиятини ривожлантириш йўналишлари, омиллари ва уларни оптималлаштириш механизмларини асослаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли функционал таҳлил, объективлик, тарихийлик ва мантиқийлик, қиёсий таҳлил, хронологик, ретроспектив таҳлил, диалектик ва синергетик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тарихий тафаккур маданиятини шакллантиришда мулоҳазаларнинг аниқ мақсадлилиқ, изчиллик ва аргументлаштирилганлик тамойиллари асосида ўтмиш, бугун ва келажак ўртасидаги мантиқий изчиллик тараққиёт жараёнлари тўғрисида яхлит тасаввур ҳосил қилиши, миллий туйғу ва ғурурни юксалтириши аниқланган;

маърифатли жамият барпо этишнинг “Тарихий тафаккур ва замонавий дунёқараш – барқарор ривожланиш пойдевори” тамойилини амалга оширишда ислохотларга дахлдорлик, миллий қадриятларга содиқлик, ғоявий мутаассиблик ва нигилизмга қарши кураш, маърифатпарварлик ҳаракатини кучайтириш, маданият ва санъат, адабиётни ривожлантириш, ёшлар тарихий онги ва маданиятини юксалтириш орқали соғлом эътиқод руҳида тарбиялаш каби устувор вазифалари такомиллаштирилган;

тарихий тафаккур маданияти шаклланишида воқеликка концептуал ёндашув заруратига кўра ижтимоий муҳит, тарихий онг, ақлий ва руҳий қобилиятлар каби омиллар зарурати ҳамда улар орасидаги замон ва макон, объективлик ва қонунийлик каби ижтимоий-фалсафий хусусиятлари очиб берилган;

тарихий тафаккур маданияти тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, тарихий билим, тарихий хотира, тарихий онг каби категорияларнинг тарихий тафаккур маданиятини ривожлантиришдаги умуминсоний қадриятларга содиқлик ва руҳий-маънавий етукликни шакллантиришдаги аҳамияти ҳамда уларнинг ҳақиқатни очиш жараёнида сохта, ғайриилмий қарашларни бартараф этиши, соф илмий-назарий концепция ва дастурларни ишлаб чиқиш имконини бериши сабабли ўзаро диалектик алоқадорлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзликни англаш – тарихни билишдан бошланиши, тарихий тафаккур маданияти жамият тараққиётининг методологик базиси; уни ҳалокатлардан қутқарувчи куч эканлиги асослаб берилган;

тарихий онг ва тарихий тафаккур тўғрисидаги “замонлар узилиши”, “тарихий онгнинг вулгарлаштирилиши” каби замонавий концепцияларнинг қиёсий таҳлили асосида замонавий маънавий-ахлоқий мезонлар аниқланган;

маърифатли жамият барпо этишнинг инсон қадрини улуғлаш, халқчиллик, ғоявий иммунитетни мустаҳкамлаш, маърифатпарварлик каби концептуал асослари ҳамда моддий ва маънавий меросни асраб-авайлашда давлат ва жамоат назорати тизимини такомиллаштириш, узлуксиз таълим тизимини гуманитарлаштириш мезонлари ва кўрсаткичлари асосида тарихий тафаккур маданиятини миллий моделига оид таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, замонавий тарих, ижтимоий-фалсафий фанларда эътироф

этилган ёндашув ва усулларнинг қўлланилганлиги, тадқиқот давомида бевосита муаммога дахлдор бўлган манбалардан фойдаланилганлиги, концептуал ва илмий асосга эга хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқлангани ҳамда таълим жараёнида кутилган натижаларни кафолатлай олганлиги каби ҳолатлар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ёш авлодни тарихий билимлар билан қуроллантириш, илмий, илмий-оммабоп, ўқув-методик, методологик адабиётларни тайёрлаш ва чоп этиш, илм-фаннинг таълим ва бошқа ижтимоий соҳалар билан интеграциявий механизмларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасида илмий, маданий, таълим, жамоат муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишларининг самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан “Тарих фанининг назарий асослари”, “Тарих фани методологияси”, “Тарихий тафаккур” фанларидан дарслик, ўқув қўлланма, мажмуалар ва фалсафага оид луғатларни такомиллаштиришда, шунингдек, маънавият ва маърифат ўқув марказларининг ўқув тарбия фаолиятида, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш, ОАВда тарих фани ва унинг муаммоларига оид кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тарихий тафаккур маданиятининг миллий ўзликни англашдаги аҳамиятини тадқиқ этиш жараёнида ҳосил қилинган илмий натижалар асосида:

тарихий тафаккур маданиятини шакллантиришда мулоҳазаларнинг аниқ мақсадлилиқ, изчиллик ва аргументлаштирилганлик тамойиллари асосида ўтмиш, бугун ва келажак ўртасидаги мантикий изчиллик тараққиёт жараёнлари тўғрисида яхлит тасаввур ҳосил қилиши, миллий туйғу ва ғурурни юксалтиришига оид назарий таҳлил ва хулосалардан Бухоро давлат университетида бажарилган ПЗ-202005236-сон “Оила психология фанидан мультимедиа маҳсулотини яратиш” инновацион лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2022 йил 7 сентябрдаги 04-01/1679-сон маълумотномаси). Натижада, ёш авлодни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, ҳаётий тажрибасини ошириш, умуминсоний ва миллий кадриятларга садоқат кўрсатиш руҳида тарбиялашга оид яратилган мультимедиа маҳсулотларини мазмунан бойишига хизмат қилган;

маърифатли жамият барпо этишнинг “Тарихий тафаккур ва замонавий дунёқараш – барқарор ривожланиш пойдевори” тамойилини амалга оширишда ислохотларга дахлдорлик, миллий кадриятларга содиқлик, ғоявий мутаассиблик ва нигилизмга қарши кураш, маърифатпарварлик ҳаракатини кучайтириш, маданият ва санъат, адабиётни ривожлантириш, ёшлар тарихий

онги ва маданиятини юксалтириш орқали соғлом эътикод руҳида тарбиялаш каби устувор вазифаларига назарий таҳлиллар ва хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2022 йилда маънавий- маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантириш бўйича чора- тадбирлар дастури IV. Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва “Беш муҳим ташаббус” доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар 18 банди Ёшларда юксак маънавий фазилатлар, катталарга ҳурмат, ёшларга ғамхўрлик, эзгулик ва инсонийлик, меҳрибонлик ва бағрикенглик, ватан ва халқига садоқат туйғуларини шакллантириш мақсадида “Аждодларга муносиб ворис бўлайлик” мавзусида маънавият соатларини ташкил этишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2022 йил 14-сентябрдаги 268-сон маълумотномаси). Натижада, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришда ёшларни юксак маънавий фазилатлар, катталарга ҳурмат, ёшларга ғамхўрлик, эзгулик ва инсонийлик, меҳрибонлик ва бағрикенглик, ватан ва халқига садоқат туйғуларини шакллантиришганазарий-методологик асос сифатида хизмат қилган;

тарихий тафаккур маданияти шаклланишида воқеликка концептуал ёндашув заруратида кўра ижтимоий муҳит, тарихий онг, ақлий ва руҳий қобилиятлар каби омиллар зарурати ҳамда улар орасидаги замон ва макон, объективлик ва қонунийлик каби ижтимоий-фалсафий хусусиятларига доир илмий янгилик, назарий хулосалар, методологик тавсиялар ҳамда амалий тақлифларидан Барқарор ривожланиш марказининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йил сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитда қабул қилинган 70 - сон резолюцияси, БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда, фундаментал ва амалий тадқиқотлар ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашиш, уларнинг натижаларини умумлаштириш асосида ўрта ва узоқ истиқболли дастурлар, стратегик йўналишларни белгилаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишда фойдаланилган (Барқарор ривожланиш марказининг 2022 йил 15 сентябрга 222-сон маълумотномаси). Натижада, тарихий тафаккур қонуниятлари моҳияти, маънавий-мафкуравий жараёнларнинг барқарор тараққиёт мезонлари ва йўналишларини туркумлаштириш тўғрисидаги хулосалар марказ томонидан ижтимоий буюртма асосидаги нашр ишларининг мазмунан бойишига хизмат қилган ва нашр этилган китоб ва тўпламлар ОАК Раёсати қарори билан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатида киритилган хорижий ва миллий илмий нашрларда чоп этилган илмий мақолаларга тенглаштирилган;

тарихий тафаккур маданияти тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, тарихий билим, тарихий хотира, тарихий онг каби категорияларнинг тарихий тафаккур маданиятини ривожлантиришдаги умуминсоний қадриятларга содиқлик ва руҳий-маънавий етукликни шакллантиришдаги аҳамияти ҳамда уларнинг ҳақиқатни очиш жараёнида сохта, ғайриилмий қарашларни бартараф этиши, соф илмий-назарий концепция ва дастурларни ишлаб чиқиш имконини беришига оид илмий янгилик ва амалий тақлиф-тавсиялардан Бухоро вилоят

телерадиокомпаниясининг 2022 йил давомида эфирга узатилган “Ассалом Бухоро”, “Замондош” кўрсатувларининг сценарийлари, тадқиқотчи билан бевосита суҳбат жараёнини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2022 йил 19-сентябрдаги 1/238-сон маълумотномаси). Натижада, тингловчиларда тарихий тафаккур маданиятини янада ривожлантириш, миллий ўзликни англашнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари янгича назарий-услубий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда ёшларни ватанпарвар, баркамол, собитқадам ва ҳалол инсон, аждодларига муносиб бўлиб етишиш имкониятларини янада кенгайтиришга, кўрсатувларнинг илмийлиги ва оммабоплиги таъминлашга, томошабинларнинг ушбу масалалар юзасидан керакли маълумотларни олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларда 6 та, хорижий журналларда 3 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 158 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсад ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тарихий тафаккур маданияти ва миллий ўзликни англашнинг назарий методологик масалалари”** деб номланган биринчи бобида тарихий тафаккур маданияти ва миллий ўзликнинг англашнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили, тарихий тафаккур маданиятининг категориал аппарати ва мантиқий тафаккурни шакллантиришдаги роли, глобаллашув шароитида тарихий тафаккур маданияти ва миллий ўзликнинг англаш муаммолари тадқиқ этилган. Шунингдек, тарихий онгнинг ижтимоий ҳодисаларни билишдаги роли аниқланган ва шу орқали тарихий тафаккур жараёнида диалектик-мантиқий ёндашув тамойилларининг аҳамияти очиқ берилган.

Инсон тарих ижодкори. У ўз тарихини ўзи яратади. Шу маънода инсониятнинг яшаб ўтган ҳаёт йўлини унинг тарихи дейиш мумкин. Инсонни

инсон қилиб турган нарса унинг онги ва тафаккуридир. Инсоннинг онги ва тафаккури қанча ривожланган бўлса унинг ҳаёти, турмуш тарзи ва орзу умидлари ҳам шунчалик ривожланган бўлади. Демак, инсоннинг камолотини белгиловчи нарса – шубҳасиз бу унинг онги ва тафаккуридир. “Реал воқеликдаги нарса ва ҳодисалар бир-биридан ажратилган ҳолда мавжуд бўла олмасдан, балки бир-бири билан мустаҳкам ўзаро боғланишда бўлиб, бир бирини тақозо қилади. Шунинг учун нарсалар мантиғининг инъикоси бўлган инсон тафаккури мантиғи объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни бутун ташқи олам билан бирга жонли ва турли-туман алоқасини қамраб олиши ва акс эттириши керак”⁸.

Диссертацияда тарихий тафаккурга “Тарихий тафаккур – ижтимоий тарихий ривожланиш қонунларига асосланган ҳолда ўтмиш, бугун ва эртанинг ўзаро алоқадорлиги ҳамда инсониятнинг тарихий ривожланишда тутган ўрни ҳақида фикрлаш демакдир” – дея таъриф берилган.

Диссертант тарихий тафаккурнинг ривожланганлик даражаси тарихий тафаккур маданияти билан ўлчанишини қайд этган. Тарихий тафаккур маданиятининг юқори даражасига эришиш учун ўтмиш, бугун ва келажак орасидаги қонуний алоқадорликка қатъий риоя қилиш керак. Бундай тафаккур асосланиши лозим бўлган мулоҳазалар аниқ мақсадли, очиқ-ойдин, ҳар қандай шубҳа ва гумонлардан холи, изчил, ўзаро зиддиятли муносабатларсиз, етарли далиллар асосида тўла асосланган бўлишини талаб қилади. Тарихий тафаккурнинг бу талаби оддий-кундалик ҳаётий – омма савияси даражасидами, тарихий-илмий даражадами, бундан қатъий назар, ҳамма амал қилиши лозим бўлган талабдир. Тарихий тафаккур маданиятининг юксак бўлиши шу талабларга қанчалик даражада риоя қилинишига боғлиқ. Бу талаблар тарихий ҳақиқатга эришишнинг кафолати сифатида хизмат қилади.

Диссертант жамиятда тарихни ўрганиш, тарихий тафаккур маданияти токи мафкура даражасига кўтарилмас экан, таълим тизимида тарихни эскича тарзда ўрганиш ва талқин қилиш усулларидан воз кечилмас экан, тарихий ўтмишдан ҳеч қачон тўла хабардор бўла олмасликни алоҳида таъкидлайди.

Ёшларда Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилиқ, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилиқ, масъулиятлилиқ, бағрикенглиқ, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби миллий ўзликни англашга оид муҳим фазилатларни болалиқдан бошлаб босқичма-босқич шакллантириш тўғрисида қайғуриш лозим. Инсоннинг онги унинг барча ақлий ва руҳий қобилиятлари, унинг жамиятдаги ҳаёти, фаолияти давомида шаклланади. Ижтимоий тараққиёт билан бирга ривожланиб борган онг инсон тафаккури қонунлари, ахлоқ ва ҳуқуқий нормалари, диний, илмий, эстетик қарашларининг шаклланишига асос бўлади. Онг ўзининг пайдо бўлган пайтидан бошлаб инсоннинг хатти-ҳаракатини, ақл-идрокини, тафаккурини шакллантиради, кишининг муайян ҳаёт тарзининг, маданият ва маънавиятнинг эгаси қилиб етиштиради.

⁸ Туленов Ж. Ҳаёт фалсафаси. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 1993. -Б.64.

Диссертант тарихий тафаккур маданияти тўғрисидаги илмий билимларни таҳлил этаркан, тарихий онг тушунчасига, “жамият, синф, ижтимоий гуруҳларнинг ўзига хослигини, ўз замонидagi мавқеини, ҳозирги замоннинг ўтмиш ва келажак билан боғлиқлигини англаши” – дея берилган тарифни илмий таҳлил этган⁹. Инсоний борлиқнинг ўзига хослиги тафаккурда тарихийликнинг намоён бўлиши билан белгиланади. Инсон ер юзида ягона ўзининг умри тугадини ва ўлимга маҳкумлигини билувчи мавжудотдир, фақат унгагина борлиқ ва замон категориясини англаш имконияти берилган. Инсон онги тарихийлик билан, тушуниш билан ва ташвишланмоқ билан узвий боғлиқ.

Тарихий онг муаммоси ижтимоий фалсафада янада фаол тарзда намоён бўлади. Тарихий онг тарихийликнинг ижтимоий-психологик асослари ҳисобланади ва алоҳида этнос ёки шахснинг ўзлигини англаб олиши ҳисобланади. Тарихий тафаккур маданиятининг объекти мураккаб таркибий тузилмалардан ташкил топган, ривожланиб борувчи ижтимоий воқелиқдир. У доимо маконий ва замоний характерга эга.

Тарихий воқеаларни билишда қўлланиладиган тадқиқот аниқ илмий асосланган методларга таянади. Булардан асосийлари тарихийлик ва мантикийликдир. Тарихийлик тамойили фақат бир воқеа ёки ҳодисанинг алмашинувини эмас, балки, тарихий жараён алмашинуви босқичида келиб чиқадиган муносабат ва алоқаларни ҳам ўрганишни талаб қилади. Биринкетин алмашинадиган бир ҳодиса олдингисига нисбатан мураккаброқ бўлган система тарзида намоён бўлади.

Тарихий тафаккур жараёнида тарих жамият ҳаётининг барча соҳаларини ўз ичига олувчи кенг қамровли тушунча эканлигини ҳам қатъий ҳисобга олиш керак. Унда маданият, маънавият, ахлоқий ютуқлар барча-барчаси жамулжам бўлади. Унинг моҳияти барча соҳаларнинг хронологиясини кўрсатиб беришда эмас балки, улар орасидаги ўзаро алоқадорликдан келиб чиқадиган ижтимоий ривожланишнинг босқичма-босқич алмашилиб туришини кўрсатишда намоён бўлади.

Диссертацияда юқоридаги мулоҳазаларнинг таҳлили асосида тарихий тафаккур маданиятига “тарихий тафаккур маданияти - фикрлаш давомида тарихий жараённинг объективлигини, қонунийлигини, кетма-кетлигини, узлуксизлигини ҳисобга олган ҳолда фикр юритишдир”, - дея таъриф келтирилган. Тарихий воқеаларни акс эттиришда мукамаллик ва тўғрилиқ тафаккур маданиятининг юксалиқ даражасини кўрсатувчи мезон эканлиги таъкидланган.

Диссертациянинг **“Тарихий онг тўғрисидаги замонавий концепциялар ва тарихий тафаккурни ривожлантириш механизмлари”** деб номланган иккинчи бобида тарихий онг тўғрисидаги замонавий ижтимоий фалсафий концепциялар тадқиқ этилиб, тарихий онгни ривожлантиришнинг функционал йўналишлари ва ижтимоий механизмлари, тарихий тафаккур

⁹ Кон И.С. Проблемы истории и истории философии // Методологические и историографические вопросы исторической науки: сб. науч. тр. / Томский гос. ун-т; отв. ред. А.И. Данилов [и др]- Вып. 6, - Томск, 1966. - С.15

маданиятини шакллантириш омиллари илмий асосланган. Шунингдек, ижтимоий ривожланиш жараёнида улар орасидаги алоқадорлик тарихий онгнинг ривожланиш механизми сифатида исботланган.

Диссертант тарихий тафаккур маданияти тўғрисидаги замонавий концепцияларни тадқиқ этиш жараёнида XIX асрнинг 90 йилларида кундалик тарихий онгда ўзига хос “бўшлиқ” – саросималик пайдо бўлганлиги таъкидлайди. Бу “бўшлиқ” тарихнинг дастлабки босқичини “янги саҳифадан” бошлашни тавсия қиладиган сиёсий воқеалар туфайли келиб чиққан. Бундай “узилиш”лар ўтмишни рад этиш, анъаналардан воз кечиш, ижтимоий муносабатларни “қайта қуриш”га уриниш, ўтмиш қадриятларини оёқости қилишга уринишлар билан биргаликда кечган. XX асрда “замонлар узилиши”, “узук-юлук” тасаввурлардан халос бўлган тарих, албатта бадий ижоднинг образли таркибида ўз мазмунининг адекват (ўхшаш) шаклини топади.

Тадқиқотда тарихий онгнинг мазмуний характеристикасини очмоқчи бўлган бир гуруҳ олимлар унинг бешта типини кўрсатиб ўтганлари қиёсий таҳлил асосида аниқланган: идеалистик, реалистик, конформистик, танқидий, нигилистик тадқиқотлар халқларнинг кундалик онгида сақланиб қолган тарихий хотира, аввало, эришилган илмий ва ғоявий ютуқлардир.

Диссертацияда тарихий тафаккур маданияти ривожланишининг замини бўлган тарихий онг ижтимоий-фалсафий категория сифатида ўрганилган, унинг назарий-методологик асослари очиб берилган. Тадқиқотлар таҳлили натижасида XX асрнинг энг муҳим воқеаси халқларнинг кундалик онгида сақланиб қолган тарихий хотира, аввало, эришилган илмий ва ғоявий ютуқлар бўлди, - дея хулосалар чиқарилган.

Диссертацияда тарихий онгни “жамият ўз ўтмишини англаб олиши учун хизмат қиладиган, стихияли тарзда қарор топган ёки фан томонидан яратилган фикрлар, аниқроғи, жамият томонидан замонлар давомида амалга оширилиб келган ишлар тарихидир” – деган мулоҳаза кенг тадқиқ этилган. Тарихий онгнинг таркибини: ижтимоий хотиранинг “амалий” ва “назарий” шакллари, халқ садоқати, афсонавий тасаввурлар ва илмий далиллар ташкил этади. Тарихий онг жамиятнинг ижтимоий хотираси билан тенглаштирилади ва унинг асосий вазифаси тарихий ўтмишни қайд этиш ва сақлаб қолишдир. Тарихий онгни акс эттиришнинг анъанавий шакли эпос (достон)лар, урф-одатларда акс этиши таъкидланади.

Тарихий тафаккур маданияти аввало, ватан тарихини яқинлаштириш, уни таққосладиган ҳолга келтириш, бу ишда бошқа нарсдан эмас, айнан ҳақиқат меъзонларидан фойдаланиш керак. Бунда тарихий ўтмиш ва ҳозирни изоҳлашда тузувчилик ҳам, шунингдек, бузувчилик ҳам бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак. Жамиятнинг барча аъзолари ўтмиш олдида тенг, ҳозир ва келажак олдида жавобгардир. Одамларда шундай ишончни уйғотиш керакки, улар тарихни жонли хазина, донишмандлик ва миллий ўзликни англаш омили деб тушунсинлар.

Тадқиқотда тарихий тафаккур тўғрисидаги фалсафий концепциялар таҳлили тарихий онгни аввало, гуманистик (инсонпарвар) бўлиши, инсонни тарих атрофида бирлаштирувчи бўлиши кераклиги, ўтмиш образини ҳозирга

уйғунлаштирувчи бўлиши кераклиги таъкидланади. Моҳиятан олиб қараганда гап жамиятни тўзғитиб юборадиган эмас, балки, жипслаштирадиган ўтмиш образини яратиш ҳақида бормоқда. Бу плюралистик образ – ўзбек анъанавий тафаккури учун умумий бўлган, олами фақат икки рангда кўришга одатланган хусусиятидан воз кечиш ва ўз характерига кўра мураса-мадора тарафдори бўлган тафаккурни кундалик онгга олиб киришдир. Тарихий онг туфайли ижтимоий онгда узлуксиз даврий алоқадорлик ҳақидаги дастлабки тасаввурлар қарор топади.

Диссертант тарихий онгни гносеологик жиҳатдан таърифлар экан, уни билувчанлик ва баҳоловчанлик системаси деб билади, у ўз йўналиши ва даражаларига эга - дейди, унингча буларни акс эттириш объектига, акс эттириш даражасига кўра (кундалик ва илмий), акс эттириш услубига кўра (ақлий, ҳиссий, иродавий), анланганлик даражасига кўра (онглилик ва онгсизлик), билувчанлик ва қадриятларнинг муносабатига кўра (абсолют, нисбий, хаёлийлик, хато), методологик тавсиялар соҳасига ва мураккаблик даражасига кўра қисмларга ажратиш мумкин. Тарихий онгнинг барча шакллари жамият ҳаётида ўзига хос ўрин тутаяди, улар жамият эҳтиёжлари билан одамларнинг фаолиятлари ва муносабатлари боғлиқ бўлади. Тарихий онг қуйидаги шаклларга бўлинади: 1) ахлоқий-мазмуний (анъаналар, урф-одатлар, кўникмалар); 2) бадий-мазмуний (афсоналар, тарихий кўшиқлар, ёдгорликлар, дostonлар, тарихий романлар); 3) илмий (тарихий тадқиқотлар, қўлёзмалар, фаразлар, назариялар, ўқув адабиётлари). Тарихий онг жамиятдаги барча ижтимоий муносабатларни бир тизимда ушлаб туради. Яъни, ижтимоий онгнинг барча анъанавий шакллари нисбатан мустақил бўлади. Уларнинг ҳар бири бошқасига хос бўлмаган муҳим функцияларни бажараяди.

Диссертацияда ҳозирги замон кундалик тарихий онги учун характерли жиҳатлар қуйидагилардан иборат этиб белгиланган:

- мафкуралаштиришга мойиллик;
- интилувчанлик;
- беқарорлик;
- реалликдан нореаллик ажратишга қийналиш;
- дунёқарашда тартибсизлик;
- тарихий ҳодисаларни баҳолашда қарама-қаршилиқ;
- бузилган, хато баҳолашларнинг ва тасаввурларнинг мавжудлиги;
- ўтмишдаги ва ҳозирги воқеаларга лоқайдлик;
- “майдакашлиқ”;
- мазмунан узук-юлуқ билимлар билан тўлганлик;
- ўз мамлакатини тарихини билмаслик, (умумий тарих каби; асосан ёш авлод;)
- қадриятлардан хабардорликнинг йўқлиги;
- бир одамнинг онгида бир бирини истисно қилувчи ёки ўзаро зид бўлган тарихий мулоҳазалар, қарашлар, йўналишлардан иборат.

Тарихий онг ривожланишининг функциялари моҳиятини ва уларни амалга оширишнинг ижтимоий механизмини тушуниш учун уларга доимий

ривожланиб борувчи жараён сифатида ёндашиш керак. Тарихий онгнинг функциялари келиб чиқиши ҳам, ривожланиши ҳам, ўзгариши ҳам тарихий жараёнлар ривожланиши ва ўзгара бориши туфайли пайдо бўлади. Улардан дунёқараш, мафкуравий, ретроспектив, эвристик, тарбиявий функцияларни санаб ўтиш мумкин. Тарихий онгнинг ҳар бир функцияси ўзига хос ижтимоий ва тарихий хусусиятларга эга.

Диссертацияда замонавий фалсафий адабиётларда тарихий онгнинг ғоявий, ретроспектив, эвристик ва тарбиявий вазифалари таҳлиliga тўхталиб ўтилган. Бу ўринда улар қуйидаги тартибда таҳлил этилган:

- тарихий онгнинг мафкуравий функцияси шундан иборатки, унинг ёрдамида тарихий билимларнинг янги натижалари умумлаштирилади, тарихни бадий тушуниш диалектик таҳлил қилиш асосида тарихий жараённинг яхлит манзараси шакллантирилади, тарихий жараённинг ўзаро боғлиқлиги англаб олинади.

- тарихий онгнинг ретроспектив функцияси турли замонларнинг тарихий онгини қайта тиклашда (ўтмишга мурожаат қилиш, ўтмиш воқеаларни таҳлил қилиш) кўринади. Жамиятнинг маънавий ҳаёт соҳасида замонавий ғоялар, назариялар, бадий образлар ҳамisha олдинги тарихий замонларнинг маънавий ютуқлари билан чамбарчас боғлиқдир.

- тарихий онгнинг эвристик функцияси илмий тадқиқот ишларида муҳим ўрин тутди. Бу функция тарихда янгилик очиш жараёнида қўлланилади. У турли дискуссияларда “тарихнинг оқ доғлари”ни очишда ишлатилади. Эвристик функция шунингдек, архив ҳужжатлари билан, мемуарлар билан ишлашда қўл келади. Бу метод барча фанлар учун умумийлик касб этади.

- тарихий онгнинг тарбиявий функцияси тарихни ўзлаштиришнинг ахлоқий, ҳулқ, одоб маънолари билан боғланиб кетади. Тарих ахлоқий устоз ва тарбиячидир.

Тарихий онгни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини таҳлил қилиш асосида тарихий онг, тарихий хотира, шахснинг “манқуртлик ҳолати” фалсафий ва бадий адабиётларда атрофлича таҳлил қилинган деган ҳулосага келинган.

Ҳар қандай онг муайян тарихий даврнинг маҳсулидир. Шу билан бирга онг ўз даври учун хизмат қилади. Даврлар онг олдида янги вазифаларни қўяди ва унинг ечимини талаб қилади. Шу вазифаларни бажариш давомида тарихий онгнинг ўзи ҳам ўзгаради ва ривожлана боради. Бу ривожланиш бир текисда эмас, балки, онг таркибини ташкил этувчи турлича қарашлар орасидаги муносабатлар таъсирида кечади.

Диссертациянинг **“Янги Ўзбекистонда тарихий тафаккур маданиятини шакллантириш: муаммолар ва ечимлар”** деб номланган учинчи бобида мустақиллик шароитида тарихий тафаккур маданиятидаги янгиланишлар эволюцияси, Янги Ўзбекистонда тарихий тафаккур маданиятини шакллантиришга оид ислохотлар, маърифий жамият, ижтимоий давлат барпо этишда тарихий тафаккур маданиятини ривожлантиришнинг долзарб вазифалари ва амалга ошириш механизмлари таҳлил этилган.

Диссертант тарихий онг ўз типлари, шакллари ва ривожланиш даражаларига эгаллигини қайд этади. Уларнинг ривожланиши маълум омиллар асосида келиб чиқади. Тарихий онг ва тарихий тафаккур ривожланишини белгиловчи нарса ҳаётининг эҳтиёжлар ва улардан келиб чиқадиган мақсадлардир.

“Маълумки, эл-юртимиз ўзининг қадимий ўтмиши давомида қанча-қанча унутилмас воқеаларни, турли синов ва қийинчиликларни, зафарли даврлар билан бирга, фожиали кунларни ҳам бошидан кечирган. Лекин бир ҳақиқатни таъкидлаш керакки, Ватанимиз ҳудудида мавжуд бўлган ҳар бир давлатчилик тузуми, ҳар қандай ижтимоий жараён - у ғалаба ёки мағлубият бўладими, юксалиш ёки таназзул бўладими - барча-барчаси халқимиз босиб ўтган мураккаб тарихий йўлнинг узвий ва ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам биз тарихимизнинг барча босқичларини яхлит ҳолда қабул қилиб, ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз зарур. ... Бунинг учун, аввало, Ўзбекистонда тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини самарали амалга оширишимиз лозим”¹⁰.

Ҳар қандай тарихий маълумот бугун ва келажак учун қурол сифатида ишлатилмаса бундай тарихий маълумотлардан ҳеч қандай фойда йўқ. Лекин, тарихий тафаккур маданияти шунчаки тафаккур жараёни эмас, у моҳиятан барча илмий таҳлил талабларига жавоб бериш имкониятига эга бўладиган тафаккурдир. Унинг ўзига хос аниқ талаблари мавжуд бўлиб, уларнинг биринчиси – объективлик, иккинчиси – холислик, учинчиси – яхлитлик, тўртинчиси – зиддиятсизлик, бешинчиси – изчилликдир. Шу талабларга жавоб бера олмаган тафаккур воқеликни ҳеч қачон ҳаққоний акс эттира олмайди. Диссертацияда Янги Ўзбекистонда маърифий жамият барпо этиш учун тарихий онгни юксалтириш бўйича қуйидагича вазифалар ижтимоий-фалсафий тадқиқ этилган:

- аждодлар тажрибасини ҳозирги авлодларга етказиб бериш;
- тарихий жараёнда ўзининг ўрни ва ролини англаб етиш;
- хулқ-одобнинг тегишли нормаларини ишлаб чиқиш;
- тарихий билимлардан сиёсий ва мафкуравий далил сифатида фойдаланиш.

Бу вазифаларни бажариш учун тарихни жараён сифатида таҳлил қилиш ва унинг хулосаларини ҳаётга тадбиқ қилишда тарихий тафаккур маданиятининг асоси бўлган тафаккур қонунларига қатъий риоя қилиш керак.

